



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 36 (12.097)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Тадбиркорлик



МЕҲРДАН ЯРАЛГАН ГИЛАМЛАР

Мамлакатимизда аҳолини иш билан таъминлаш ва фаровонлигини янада ошириш, уй меҳнатининг турли шакллари, жумладан, касаначиликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар, берилаётган имтиёзлар туфайли чин дилдан меҳнат қилаётган аёллар сафи тобора кенгаймоқда.

Пойтахтимизнинг Олмазор тумани Янги Себзор маҳалласида фаолият юритаётган «Қайс гилам тўқиш» корхонаси бундай хайрли ишларга муносиб ҳисса қўшмоқда.

— Юртимизда тадбиркорлар учун берилаётган имтиёзлардан оқилона фойдаланиб, фаолиятимизни тобора кенгайтирмоқдамиз, — дейди корхона раҳбари Абдулкаюм Исроилов. — Ҳозир корхонамизнинг Тошкент шаҳри ва Паркент туманида 12 филиали бор. Уларда 120 нафар ишчига меҳнат дафтари очилиб бўлиб, қарийб 90 нафари уй шароитида буюртмаларни бажаради. Касаначиларга дастгоҳлар ва зарур анжомлар ўрнатиб берилиб, бемалол ишлаши учун шароит яратилган. 2011 йилнинг ўзига 54 нафар хотин-қизга хунара ўргатиб, ишга қабул қилдик.

Корхонада буюртмачиларга сифатли ва бежирим совгабоп тўшамалар, гиламлар етказиб берилаётди. Тайёрланаётган маҳсулот тури йигирмадан ошади.

Корхона қошида очилган ўқув марказида ён-атрофдаги маҳаллалар ёшлари моҳир тўқувчилардан гилам тўқишни ўрганмоқда.

— Бу хунарни ўрганишнинг мураккаб томонлари ҳам йўқ эмас, — дейди хунарманд Карима Ибрагимова. — Гиламнинг ҳар бир қисми, гули учун алоҳида нақш

чишиш, катакларни санаш, унга қанча ип кераклигини, ҳажмининг катта-кичиклигини ҳисоб-китоб қилиб бориш зарур. Шогирдларимиз билан «Қошиқора», «Чубранг», «Билчирок», «Бахмал» каби гиламларни тўқиймиз. Гиламнинг чиройли ва сифатли бўлиши катта сабртоқат ва меҳр талаб этади. Аммо меҳнатимиз билан яратилган санъат асари тайёр бўлган, уни қўлга оларканмиз, бутун чарчоқлар чиқиб кетади.

Турли ҳажм ва кўринишдаги гиламларни мамлакатимизга келган сайёҳлар қизиқиш билан харид қилади. 2011 йилда аёллар қўл меҳнати билан яратилган ана шундай ўнлаб гиламлар экспорт қилинди. Қорақўл қўйларнинг жунидан йигирилган ип корхона маҳсулотлари рақобатдошлигини таъминламоқда. Табиий рангларга бўялган жун ипақдай товланади.

Ҳа, мамлакатимизда миллий хунармадчиликни ривожлантириш, бу борадаги қадимий анъаналарни тиклаш йўлидаги изчил саъй-ҳаракатлар юксак самараларини бермоқда. Бу минглаб аёлларимиз доимий даромад манбаига эга бўлиши, оилалар фаровонлиги янада ошишига хизмат қилмоқда.

Сайёра ШОЕВА,
Ўза мухбири

Иқтисодиёт

БАНК ТИЗИМИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги «2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» маърузасида мамлакатимиз молия-банк тизимида амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар алоҳида қайд этилди.

Мамлакатимиз банкларининг капиталлашувини, барқарорлиги ва ликвидлигини янада мустаҳкамлашга қара-

тилган изчил чора-тадбирлар юксак самараларни бермоқда. Сўнгги беш йил давомида мамлакатимиз банк сек-

тори капиталининг етарлилик даражаси банк назорати бўйича Базель кўмитаси томонидан 8 фоиз этиб белгиланган халқаро меъёрдан уч баробар кўп бўлган даражани ташкил этмоқда. «Стандарт энд Пурс», «Мудис», «Фитч Рейтинг» каби нуфузли халқаро рейтинг агентликларининг «барқарор» рейтингига сазовор бўлаётган банкларимиз сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Албатта, бунда юртимиз банк ходимларининг билими ва профессионал маҳорати тобора юксалаётгани ҳам муҳим омил бўлаётди.

(Давоми 2-бетда)

ти ўтказилди.

✓ **КЕЧА** «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши томонидан «Ёшларнинг маънавий дунёсини янада оширишда бошланғич ташкилотларнинг ўрни ва аҳамиятини кучай-

тириш» мавзусида илмий конференция ташкил қилинди.

✓ **БУГУН** Ёшлар ижод саройида «Таълим ва мутахассислик» халқаро VII кўргазмасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН — АҚШ: ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИНГ 20 ЙИЛИ

Ўзбекистон Республикаси ва Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги икки томонлама муносабатлар тараққиётига АҚШ Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб эътироф этган куни — 1991 йил 25 декабрда асос солинган. Дипломатия муносабатлари эса 1992 йилнинг 19 февралда ўрнатилди. Шундан буён икки давлат ўртасида деярли барча йўналишлар бўйича икки томонлама ҳамкорликнинг изчил ўсиши билан мулоқот давом этиб келади.

Дипломатия муносабатлари ўрнатилган кундан бошлаб салмоқли салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида ўзаро ҳамкорлик бўйича конструктив тажриба тўпланди ва бу ҳамкорлик сўнгги йилларда янада фаоллашди. Икки мамлакат ўртасида сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, ҳарбий-техникавий ва гуманитар соҳаларда сифат жиҳатидан янги ва ўзаро манфаатли алоқалар йўлга қўйилишида кўп жиҳатдан 2002 йил март ойида «Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация»нинг имзолангани муҳим аҳамият касб этди. Бугунги кунга келиб, 60 дан ортиқ ҳукуматлар ва идоралараро битимлардан иборат мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий замин яратилган.

2010 йил апрель ва 2011 йил июнь ойларида давлат раҳбарлари ўртасидаги шахсий мактублар алмашинувлари, 2010 йил декабрда АҚШ Давлат котиби Х.Клинтоннинг Тошкентга ташрифи, шунингдек, республикамиз раҳбариятининг АҚШ президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси ўринбосари Д.Макдона, сенатор Л.Грехэм ва Американинг Афғонистон ва Покистон бўйича махсус вакили М.Гроссман билан учрашувлари сўнгги йиллар давомидаги муҳим воқеалардан бўлди.

2011 йил 28 сентябрда икки мамлакат Президентлари ўртасида бўлиб ўтган телефон орқали мулоқот Қўшма Штатлар ва Ўзбекистон ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни ривожлантиришга бўлган икки томонлама интилишни мустаҳкамлади.

АҚШ Давлат котиби Х.Клинтоннинг 2011 йил 22 октябрдаги Ўзбекистонга ташрифи икки томонлама ҳамкорликка жиддий туртки бердики, ушбу ташриф чоғида АҚШ Давлат департаменти раҳбари Ўзбекистон Президентини Ислам Каримов томонидан қабул қилинди.

2011 йил февралда Вашингтонда ҳар йили ўтказиладиган икки томонлама сиёсий маслаҳатлашувларнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтгани, Ўзбекистон ва АҚШ ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари даражасидаги учрашув, шунингдек, иқтисодий ҳамкорлик доирасидаги қатор тадбирлар икки томонлама ҳамкорликнинг мунтазам равишда кенгайиб бораётганидан далolat беради.

Ўзбекистоннинг Ўрта Осиё минтақасидаги муҳим ўрни ва аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, Вашингтон Тошкент билан халқаро ва минтақавий аҳамиятга эга бўлган долзарб масалалар борасида конструктив мулоқот давом эттирилишини муҳим, деб ҳисоблайди.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Гулистон давлат университетида Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобини ўрганиш ва унинг мазмун-моҳиятини ўқувчиларга кенг очиб бериш масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги, Республика Маънавият тарғибот марказининг вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда олимлар, кенг жамоатчилик вакиллари, талаба-ёшлар иштирок этди.

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари кўмитаси томонидан чорвачилик генофондини асраш, кўпайтириш ҳамда наслчилик ишларига оид ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришга бағишланган семинар ташкил этилди. Ўзбекистон чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур тадбирда қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар ходимлари, мутахассислар иштирок этди.

• Конимех туманидаги «Конимех-Чордара» масъулияти чекланган жамиятида гўшти қайта ишлаш технологияси ишга туширилди. Ушбу лойиҳа банкнинг 500 миллион сўмлик кредити ҳисобидан молиялаштирилди. Пировардида 10 та иш ўрни яратилди. «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури доирасида ўтган йили вилоятда гўшти қайта ишлашга мўлжалланган 7 та ана шундай корхона фаолияти йўлга қўйилди.

• Қарши шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида «Тадбиркорлик — мустаҳкам оила пойдевори» мавзусида бизнес-форум ўтказилди.

ЖАҲОНДА

• Япония ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан замонавий фотоаппаратлар ишлаб чиқарувчи «Olympus» корпорациясининг уч нафар собиқ менежери ҳибсга олинди. Улар орасида корхонада маълум муддат раҳбарлик лавозимида ишлаган Цуеси Кикукаву ҳам бор. Манбага қараганда, ходимлар 1,3 миллиард евро миқдоридagi маблағни ўзлаштирганликда айбланмоқда. Бу исботланса, менежерларга 10 йилдан қамоқ жазоси тайинлиши мумкин.

• АҚШнинг «Kellogg's» корхонаси «Procter & Gamble» компаниясининг чипс (қовурилган картошка) тайёрлаш бизнесини сотиб олди. Қиймати 2,7 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган мазкур келишувга кўра, бундан буён «Pringles» номида савдога чиқариладиган қовурилган картошкалар «Kellogg's» томонидан харидорларга тақдим этилади. Ҳар йили ярим миллиард АҚШ доллар қийматига тенг бўлган «Pringles» чипслари тайёрланади ва улар дунёнинг 140 мамлакатида севиб истеъмол қилинади.

• 2015 йилда Озарбойжонда дунёдаги энг баланд бино қурилишини бошлаш режалаштирилмоқда. «Azerbaijan Tower» дея номланган мазкур осмонўпар иморатнинг бўйи 1050 метрга тенг бўлади ва у «Avesta Group of Companies» компанияси томонидан барпо этилади. Бу ҳозир ер юзидagi энг баланд бино — Бурж Халифа (Бирлашган Араб Амирликлари)дан 220 метр юқоридир. У тўққиз балл кучлианидаги zilзилага бардош бера олади. Эътиборли жиҳати, «Azerbaijan Tower»ни барпо этиш учун ажратилган жойда сунъий орол ҳам вужудга келтирилади. Унда шаҳарсозликнинг барча замонавий ютуқларини акс эттириш, «Формула-1» пойгалари ўтказиладиган трасса ва аэропорт қуриш ҳам режалаштирилган. Қиймати юз миллиард АҚШ долларига тенг мазкур лойиҳани 2022 йилда яқунлаш кўзда тутилган.

ҚИСҚА САТРАДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Тошкент Молия институтида «Мустаҳкам оила — келажақ пойдевори» мавзусида давра суҳба-

